

«New Life sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati

акциядорлари умумий йиғилишининг

2022 йил \_\_\_\_\_ даги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



Кузатув кенгаши раиси

Ахмеджанов Фаррух Бахрамович

М.Ў.

**«NEW LIFE SUG'URTA KOMPANIYASI»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI NING  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## Мундарижа

- I. Умумий қоидалар
- II. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби
- III. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- IV. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги

### 1. Умумий қоидалар

1.1 Мазкур низом «New Life sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati ning yakkaboshchilik asosidagi ijroia organi – Бош директорининг мақомини белгилайди, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2 Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни, ва «New Life sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### 2. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби

2.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

2.2 Жамият Бош директори yakkaboshchilik asosidagi ijroia organ хисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

2.3 Жамият Бош директори жамият Кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади.

2.4 Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

2.5 Бош директор томонидан Жамиятнинг йиллик бизнес режаси параметрлари бажарилиши ва (ёки) Жамият устави кўпол равишда бузилса ва унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида Жамиятга жиддий зарар етказилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши у билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга.

2.6 Бош директор билан шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.7 Жамият Бош директорининг ойлик маоши ва уни моддий рағбатлантириш миқдори Жамият фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жамият Бош директорига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатга асосан амалга оширилади.

### 3. Жамият Бош директорининг ваколат ва мажбуриятлари

3.1 Жамият бош директори ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.2 Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва у билан тузиладиган шартномалар билан белгиланади.



**3.3** Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

**3.4 Жамият Бош директориининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киреди:**

- а) ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- б) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- в) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- г) Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;
- д) Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;
- е) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- ж) Жамият филиллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлайди;
- з) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- и) Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
- к) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- л) Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- м) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- н) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- о) Жамият Бош директори, қуйидаги вазиятларда мустақил қарор қабул қилишга ҳақли эмас ва бунинг учун Жамият Кузатув кенгашининг розилигини олиши шарт, яъни:
  - п) Жамиятнинг товар-моддий бойликларини ва пул-маблағларини Жамият тассаруфидан бутунлай ёки вақтинчалик чиқариш (сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, қарзга бериш ва ҳоказо) билан боғлиқ барча битим, шартнома, аҳдлашув ва бошқа турдаги келишувларни тузишдан олдин;
  - р) Жамиятнинг пул-маблағларини бошқа ташкилотлар фаолиятига инвестиция қилишдан ёки сармоя сифатида киритишдан олдин, уларни қарзга беришдан олдин, банк, кредит ва бошқа молия ташкилотларига депозитга қўйишдан олдин, ҳамда моддий ёрдам сифатида хомийлик қилишдан олдин;
  - с) Жамиятнинг Бош бухгалтери ва вилоят филиаллари директорларини тайинлашдан олдин, ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишдан ёки ишдан бўшатишдан олдин.

**3.6** Жамият Бош директори ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш коидалари»нинг 1-иловасига мувофиқ ҳисобот беради. Чораклик ҳисобот бўйича маъруза



жамиятнинг молиявий иқтисодий ҳолати, рентабеллик кўрсаткичлари, тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**3.7** Жамият Бош директори молия йили якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишига «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари»нинг 2-иловасига мувофиқ ҳисобот беради. Йиллик ҳисобот бўйича маъруза жамиятнинг молиявий иқтисодий ҳолати, рентабеллик кўрсаткичлари, тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши, ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосалари, жамият томонидан ҳисобот йилида тузилган йирик ва аффилиланган шахслар билан битимлар ва бошқа қонунчиликда белгиланган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**3.8** Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, жамият устави ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

#### **4. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги**

**4.1** Жамият Бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавоб беради.

**4.2** Бош директор фаолияти Жамият хизматларини миқдорларга тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган жамиятларни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Бош директор лавозимга тайинланганида бундай жамиятлардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўғрисида Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилиши лозим.

**4.3** Жамият Бош директори Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар ва уни ўрнини тўлиқ қоплаш бўйича қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ жавобгардир.

**4.4** Жамият томонидан жойлаштирилган оддий акцияларнинг хаммаси бўлиб камида биз фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларни ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.